

Тошкент вилоятидаги бўлажак ҳожилар билан учрашув ўтказилди



11:17 / 24.05.2023 1868

2023 йил 23 май куни Тошкент вилоятидаги «Зангиота» жомеъ масжидида шу йил ҳажга борувчи Тошкент вилоятилик ҳожилар билан вилоят бош имом-хатиби Жасур домла Раупов учрашиб, уларга ҳажнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида маълумотлар берди.

Хусусан, вилоят бош имом-хатиби йиғилиш иштирокчиларига ҳаж қилишнинг тартиб-қоидалари, ҳажда бажариладиган турли амаллар, эҳромга кириш, тавоф, саъни бажариш йўл-йўриқлари, ҳажда беихтиёр йўл қўйиладиган хатолар ва уларнинг каффоратини атрофлича баён қилиб берди. Мино, Арафот, Муздалифа, Жамарот каби маконларда қандай амаллар адо этилиши ҳам тартиби билан ёритилди.

Йиғилиш сўнгида бўлажак ҳожилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Аллоҳ таоло бўлажак ҳожиларнинг ибодатларини бекаму кўст қабул қилсин. Ҳар бир ҳожининг ҳажи мабрур бўлсин. Зеро, ҳадиси шарифда: «Мабрур ҳажнинг мукофоти фақат жаннатдир» дейилган. (Имом Насоий ривояти).







Тошкент вилояти вакиллиги Матбуот хизмати